



03.08.2018



ҚҲТБТ порталида Президентнинг «Халқ таълими тизимини такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони лойиҳаси муҳокама қилинмоқда. Ҳужжатда юқори тоифали мутахассислар учун халқ таълими муассасалари жозибадорлигини оширишга йўналтирилган чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш назарда тутилган.

Таълим муассасаларининг кузатув кенгашлари ташкил этилади

Васийлик кенгашларини тугатиш ва юридик шахсни ташкил этмайдиган халқ таълими муассасаларининг кузатув кенгашларини ташкил этиш ташаббуси билан чиқилган. Янги тузилмалар ота-оналар қўмиталари вакиллари, педагог ходимлар, битирувчилар ва ҳомийлар, шунингдек фуқаролик жамияти институтлари вакиллари билан ташкил топади.

Қуйидагиларни кузатув кенгашларининг асосий вазифалари этиб белгилаш таклиф этилмоқда:

- • таълим муассасалари директорларини Халқ таълими вазирлиги тавсия этган номзодлар орасидан танлаб олиш, шунингдек уларни эгаллаб турган лавозимидан озод қилиш бўйича таклифлар киритиш;
- • таълим муассасасини ривожлантиришга доир устувор йўналишларни белгилаш бўйича таклифлар киритиш;
- • таълим муассасаси фаолиятини такомиллаштириш бўйича кўрилаётган чоралар, унинг молиявий-хўжалик фаолияти, бюджет, бюджетдан ташқари, ҳомийлик ва бошқа маблағларни сарфлашдан даромадлар ва харажатлар тўғрисида директорларнинг ҳисоботларини вақти-вақти билан эшитиш;
- • йиллик молиявий режалар ва харажатлар сметаларини келишиш;
- • таълим муассасаси директорининг тақдимномасига асосан кўрсатиладиган пуллик хизматлар тарифлари, таълим муассасаси хоналари ва бошқа мол-мулкнинг ижара ҳақи миқдорларини тасдиқлаш;
- • таълим сифати, ўқитувчиларнинг билими ва педагогик маҳорати, ўқувчилар учун яратилган шарт-шароитлар устидан тизимли мониторинг ўрнатиш;
- • ўқувчилар ва уларнинг ота-оналарининг мурожаатларини кўриб чиқиш, уларнинг педагог ва раҳбар кадрлар ҳақидаги фикрларини синчиклаб ўрганиш мақсадида ижтимоий сўровлар ўтказиш.

Халқ таълими муассасалари фақат ХТВга бўйсунди

Халқ таълими муассасаларининг барчаси фақат Халқ таълими вазирлигига бўйсунганини белгилайдиган тартибни жорий этиш таклиф этилмоқда. Халқ таълими вазирига маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари билан келишувсиз Қорақалпоғистон Республикаси ХТВ, вилоят халқ таълими бошқармалари ва Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси раҳбарларини, туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари бошлиқларини, шунингдек Вазирликка бўйсунадиган бошқа ташкилотлар ва муассасалар раҳбарларини лавозимга тайинлаш ва лавозимидан озод қилиш ҳуқуқини бериш режалаштирилмоқда.

Халқ таълими тизими муассасаларида текширувлар ўтказиш регламенти ва жадвалларини ишлаб чиқиш кўзланган. Барча текширув органлари тегишли ҳудудлардаги халқ таълими муассасалари, шунингдек уларнинг ходимлари ва педагоглар фаолияти руҳсатсиз текширилишини ташкил этганлиги учун маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа назорат органлари раҳбарлари шахсан жавобгар бўладилар.

Таълим муассасалари раҳбарлари ва ўқитувчиларга нисбатан илк бор содир этган қонунбузарликлари учун молиявий жарималар қўллашга уч йиллик тақиқни жорий этиш масаласи кўриб чиқилмоқда.

Педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш тартибини қайта кўриб чиқиш ташаббуси билан чиқилди. Ўқувчиларнинг билим ва кўникмалари даражасини уларнинг малакасини белгиловчи асосий мезон этиб белгилаш таклиф этилмоқда.

«Замонавий мактаб» лойиҳаси амалга оширилади

2019 йил 1 январгача компьютерлаштирилган ва технологик синфлар, лабораториялар, барча санитария талабларига жавоб берадиган ошхоналар, спорт-соғломлаштириш комплекси, видеокузатув тизими ва ўқувчиларнинг индивидуал ижодий қобилиятларини ривожлантириш учун бошқа шарт-шароитларни назарда тутувчи «Замонавий мактаб» лойиҳасини ишлаб чиқиш режалаштирилмоқда. У хорижий экспертлар ва лойиҳа ташкилотлари иштирокида амалга оширилади. 2019-2020 йилларда лойиҳа доирасида камида битта мактаб қуриш режалаштирилмоқда.

Мактаблар юқори тоифали мутахассислар учун янада жозибали бўлади

Халқ таълими вазирлиги ҳузурида Халқ таълимидаги ислохотларга кўмаклашиш жамғармаси ташкил этилади. 2018 йилда халқ таълими тизимини ислоҳ қилишга доир устувор вазифаларни амалга ошириш учун унга 100 млрд сўм миқдорида бюджет маблағларини ажратиш режалаштирилмоқда. Бундан буён жамғарма маблағлари жадвалда кўрсатилган тарзда шакллантирилиши ва сарфланишини белгиловчи тартибни жорий этиш таклиф қилинмоқда:

<i>Манбалар:</i>	<i>Харажатлар моддалари:</i>
-------------------------	-------------------------------------

<ul style="list-style-type: none"> · ҳар йили ажратиладиган бюджет ассигнациялари, шу жумладан – 2018 йил охиригача 100 млрд сўм, кейинги йилларда эса халқ таълими ходимларининг иш ҳақини ошириш миқдорида унинг индексацияланишини ва йиллик харажатларга қайта ҳисобланишини ҳисобга олган ҳолда; · Халқ таълими вазирлиги ички аудит хизматларининг текширувлари натижаларига кўра растрата, ўғирлик, камомад, ноқонуний харажатлардан ундириб олинган сумманинг 50%и; · Жамғарманинг вақтинча бўш маблағларини жойлаштиришдан олинадиган даромадлар; · Халқ таълими вазирлиги муассиси бўлган корхона ва ташкилотлар дивидендларининг 100%и; · Халқ таълими вазирлиги тизими муассасалари балансидаги активларни сотишдан келиб тушган маблағлар; · Педагог ходимлар малакасини ошириш минтақавий марказлари ўтказадиган халқ таълими соҳасидаги кадрларни қайта тайёрлаш курсларида ўқитишдан келиб тушадиган маблағларнинг 10%и; · олий маълумотли шахслар учун педагогик мутахассислиги бўйича қайта тайёрлаш курсларида ўқитишдан келиб тушадиган маблағларнинг 10%и; · жисмоний ва юридик шахслар, шу жумладан норезидентларнинг хайрия маблағлари; · грант маблағлари, ҳомийлик маблағлари ва қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа тушумлар; · давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга оширишдан тушган даромадлар; · қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар. 	<ul style="list-style-type: none"> · Халқ таълими вазирлиги, унга қарашли ташкилотлар ва муассасалар, шунингдек ҳудудий бўлинмалар ходимларига иш ҳақи, устамалар, мукофотлар ва бошқа рағбатлантириш тусидаги тўловларни тўлаш; · Халқ таълими вазирлигига фуқаролик-ҳуқуқий шартнома асосида юқори тоифали мутахассисларни ишга жалб этиш; · вазирлик ходимларининг, шу жумладан хорижий давлатларнинг илмий-тадқиқот, таълим ва бошқа муассасаларида ўқиш, малака ошириш ва стажировка ўташ харажатларини тўлаш; · вазирлик ходимларининг мамлакат ичидаги ва унинг ташқарисидаги хизмат сафари харажатларини тўлаш; · вазирлик фаолиятини такомиллаштиришга йўналтирилган бошқа чора-тадбирлар; · Халқ таълими вазирлиги, унинг ҳудудий бўлинмалари ва унга қарашли муассасаларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш; · Халқ таълими вазирлиги томонидан мазкур Жамғарма маблағлари доирасида белгиланадиган бошқа йўналишлар.
---	--

2019 йил 1 январдан пенсионерлар – халқ таълими муассасалари ходимларига тўлиқ миқдорда пенсия тўлаш таклиф этилмоқда.

Шу пайтдан эътиборан умумтаълим муассасалари раҳбарларини пуллик хизматлар кўрсатишдан келиб тушадиган қўшимча даромадларнинг 10%игача миқдорида моддий рағбатлантириш тартибини жорий этиш режалаштирилмоқда.

[Лойиҳа](#) [1] ўзгартирилиши, унга қўшимча киритилиши ёки рад этилиши мумкин.

Сўнгги янгиликлар:

- [Аёлларни тазйиқлардан ҳимоялаш тўғрисида қонун имзоланди](#) [4]
- [Ҳуқуқшунос жавоблари \(2019 йил, 29 сон\)](#) [5]
- [1 августдан нималар ўзгаради?](#) [6]
- [“Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги Қонуннинг янги таҳририга қанчалик зарурат бор? \(2019 йил, 28 сон\)](#) [7]
- [Адлия вазирлиги огоҳлантиради: шахсий ҳаёт дахлсиздир!](#) [8]
- [“Фара”ларни ёқиб юриш бўйича талаб икки йилга узайтирилди](#) [9]
- [Олий таълим тизимида қандай ўзгаришлар бор? \(2019 йил, 19 сон\)](#) [10]
- [Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири Русланбек Давлетов нутқидан \(2019 йил, 17 сон\)](#) [11]
- [Форумда иштирок этишни истаганлар сони 800 нафардан ошди \(2019 йил, 16 сон\)](#) [12]
- [Темур тузуклари \(2019 йил, 14 сон\)](#) [13]

Source URL: <http://insonvaqonun.uz/?q=ruknlar/3931>

Ссылки

[1] <https://regulation.gov.uz/ru/document/43>

[2] <http://insonvaqonun.uz/print/3931>

[3] <http://insonvaqonun.uz/printpdf/3931>

[4] <http://insonvaqonun.uz/node/5014>

[5] <http://insonvaqonun.uz/node/4920>

[6] <http://insonvaqonun.uz/node/4911>

[7] <http://insonvaqonun.uz/node/4900>

[8] <http://insonvaqonun.uz/node/4881>

[9] <http://insonvaqonun.uz/node/4835>

[10] <http://insonvaqonun.uz/node/4780>

[11] <http://insonvaqonun.uz/node/4753>

[12] <http://insonvaqonun.uz/node/4730>

[13] <http://insonvaqonun.uz/node/4695>